

**ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.07.2024.B.179.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ**

**КУРМАЕВА ДИЁРА НОДИРБЕК ҚИЗИ**

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА МЕТАБОЛОМ  
ПРОФИЛИНИ ЎРГАНИШ**

**03.00.03 –Молекуляр биология. Молекуляр генетика. Молекуляр биотехнология  
03.00.01 – Биокимё**

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори(PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Курмаева Диёра Нодирбек кизи**

COVID-19 билан касалланган беморларда метаболом профилини ўрганиш..... 3

**Курмаева Диёра Нодирбек кизи**

Изучение метаболомного профиля у пациентов с COVID-19 ..... 19

**Kurmayeva Diyora Nodirbek kizi**

Study of Metabolomic Profiling in COVID-19 Patients..... 35

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 38

**ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSC.03/30.07.2024.B.179.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР МАРКАЗИ**

**КУРМАЕВА ДИЁРА НОДИРБЕК ҚИЗИ**

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА МЕТАБОЛОМ  
ПРОФИЛИНИ ЎРГАНИШ**

**03.00.03 –Молекуляр биология. Молекуляр генетика. Молекуляр биотехнология  
03.00.01 – Биокимё**

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.4.PhD/B1302 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар марказида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида [www.cat-dscphd.uz](http://www.cat-dscphd.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

|                            |  |
|----------------------------|--|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Абдурахимов Аброржон Акрамович</b><br>Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),<br>катта илмий ходим   |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Хакимов Бекзод Бахромович</b><br>Фалсафа доктори (PhD), доцент<br><b>Мухаммедов Рустам Султанович</b><br>биология фанлари доктори, профессор<br><b>Даниела Раго</b><br>Фалсафа доктори (PhD), катта илмий ходим |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Ўзбекистон Миллий университети</b>  |

Диссертация ҳимояси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/07.2024.B.179.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг «4» сентябр 2025 йил соат 16:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси,3А, Тел.: (99871) 227 43 21

Диссертация билан Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Илғор технологиялар маркази қошидаги Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_1/8\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Талабалар шаҳарчаси 3А, Тел.: (99871) 227 43 21. E-mail: [catscience@exat.uz](mailto:catscience@exat.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» август куни тарқатилди.

(2025 йил « 18 » августдаги 1/8 рақамли реестр баённомаси).

**Турдикулова Шахло Уткуровна**  
Илмий даражалар берувчи Илмий  
кенгаш раиси б.ф.д., профессор

**Сохибназарова Хонсулув Абдувоҳидовна**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, PhD, катта илмий ходим

**Абдуллаев Алишер Абдумавлянович**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
ҳузуридаги илмий семинар раиси, б.ф.д

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти.** Дунёда COVID-19 инфекциясининг патогенези, клиник кўринишлари ва оқибатларини ўрганиш, касалликнинг оғирлик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ҳамда иммун жавоб, яллиғланиш жараёнлари, метаболизмнинг бузилиши, турли аъзо ва тизимларнинг шикастланишини олдини олиш ва даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, COVID-19 ни ўрганишнинг истиқболли йўналишларидан бири метаболомик таҳлили бўлиб инфекция билан боғлиқ организмдаги биокимёвий ўзгаришларни, ковиднинг ўзига хос метаболомик биомаркерларини аниқлаш, эрта ташхис қўйиш усулларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади. Бугунги кунда COVID-19 касаллиги оғир кечиши ва ўтказилаётган даволаш самарадорлигини юқори аниқлик билан башорат қила оладиган универсал биомаркерлар аниқланмаган. Шу сабабли, клиник маълумотларни таҳлил қилиш асосида даволаш самарадорлигини аниқлаш ҳамда кенг қамровли метаболомик таҳлили ўтказилиши муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда COVID-19 инфекцияси патогенези, тарқалиш механизмлари, клиник кечишини аниқлаш, касалликни оғир ўтиш факторларини аниқлаш ҳамда янги диагностик тестларни ишлаб чиқиш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, беморларнинг қон ва плазмасининг метаболомик профилларини таҳлил қилишда ядро магнит резонанси (ЯМР) усулини қўллаш, маркерларни идентификация қилиш, даволаш усулларини такомиллаштириш, метаболомик ва клиник-демографик маълумотларни уйғунлаштириш асосида ҳамда COVID-19 касаллигининг оғир кечишини ва ўтказилаётган даволаш самарадорлигини юқори аниқлик билан башорат қилиш моделларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикада аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, даволаш тактикасини ўз вақтида тўғирлаш ва асоратлар хавфини камайтириш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш борасида кенг қамровли чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда, шунингдек, касалликларнинг олдини олиш ва ташхислаш, замонавий технологияларни кенг жорий этиш, юқори малакали ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш борасида муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси “Пандемия ва шу каби офатлар билан боғлиқ жараёнларнинг барвақт олдини олиш, вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, бўлажак хавф-хатарларни, улар билан боғлиқ муаммоларни олдиндан прогноз қилиш, уларнинг ечимига аниқ режа ва чоралар билан тайёр туриш тизимини яратиш, коронавирус қайтадан тарқалишининг олдини олиш ҳамда унинг иқтисодиёт ва инсонлар ҳаётига салбий таъсирини имкон қадар чеклаш” вазифалари белгилаб берилган<sup>1</sup>. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, касалликнинг оғир кечиши билан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 -2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони

боғлиқ потенциал биомаркерларни аниқлаш, шунингдек, даволаш стратегиясини такомиллаштириш мақсадида терапия самарадорлигини башорат қилиш моделини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги ПҚ-4649-сон "Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекциясининг кенг тарқалишининг олдини олиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 мартдаги 176-сон "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳукукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришни устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналиши – VI "Тиббиёт ва фармакология"га мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги вақтда COVID-19 билан касалланган беморлардаги метаболом ўзгаришларни ўрганиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Жумладан, Alberto Valdés ва бошқ. (2022) томонидан, COVID-19 билан касалланган 145 нафар катта ёшли беморнинг қон плазмаси, касалликнинг клиник босқичига қараб гуруҳларга ажратилган ҳолда метаболом таҳлили "Metabolomics study of COVID-19 patients in four different clinical stages" тадқиқотида ўрганилган. Натижаларга кўра, карнитинлар, кетон таначалари, ёғ кислоталари, лизофосфатидилхолинлар ва триптофан даражалари COVID-19 нинг оғирлик даражасига қараб сезиларли ўзгарган. Бу эса мазкур метаболитлардан касаллик кечишини башорат қилиш учун потенциал биомаркерлар сифатида фойдаланиш имконини берган.

МДХ давлатларида ўтказилган тадқиқотларда Золникова О.Ю., Решетова М.С., Иванова М.Н., Ивашкин В.Т. (2021) томонидан тайёрланган COVID-19 ни ўрганишга бағишланган шарҳида турли касалликлар, шу жумладан, коронавирус инфекциясининг биомаркерларини аниқлаш учун метаболом профилини таҳлил қилиш ва ундан фойдаланиш истиқболлари кўриб чиқилган. Муаллифлар такидлашчи, метаболом таҳлилни ўтказиш инфекция патогенезини чуқурроқ тушунишга ёрдам беради ва янги даволаш стратегияларини ишлаб чиқишга ҳисса қўшиши мумкин. Криворотько ва бошқ. (2020) Москва ва Новосибирск вилоятида COVID-19 тарқалиш динамикасини баҳолаш учун мослаштирилган SEIR-HCD ва SEIR-D математик моделлари тавсифланган. Шунингдек, Россия Фанлар академияси Г.И. Марчук номидаги Ҳисоблаш математика институти олимлари томонидан (2020) анамнестик маълумотларни ҳамроҳ сурункали касалликлар ҳамда ёш

омилларининг касаллик натижасига таъсирини таҳлил қилиш имконини берувчи математик модели ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикасида COVID-19 билан касалланган беморларнинг клиник хусусиятларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларда 2020 йилда Kim K.H., Choi J.W., Moon J., Акилов Ҳ., Туйчиев Л., Раҳимов Б., Min K.S. томонидан чоп этилган ишда мамлакатнинг ихтисослаштирилган тиббиёт муассасаларига ётқизилган беморларда COVID-19 тасдиқланган ҳолатларининг белгилари ва клиник хусусиятлари таҳлил қилинган. Олинган натижаларга кўра, текширилган беморлар орасида энг кенг тарқалган аломатлар куруқ йўтал, ҳолсизлик ва фарингалгия бўлган. Муаллифлар келажакда инфекция тарқалишига самарали чоралар кўриш учун ёш хусусиятлари ва касалликнинг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда тиббий стратегияларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидладилар. Хусенов З. ва Облоқулов А. томонидан ўтказилган "COVID-19 нинг оғир шакли билан касалланган беморларнинг клиник ва эпидемиологик хусусиятлари" тадқиқотининг асосий мақсади SARS-CoV-2 келтириб чиқарган оғир пневмония ривожланишига мойил бўлган омилларни аниқлаш, шунингдек, реанимация ва интенсив терапия бўлимига ётқизилган беморларнинг клиник хусусиятларини таҳлил қилиш эди. Олинган натижалар касалликнинг нохуш оқибати учун асосий клиник-демографик хавф омиллари аниқланган. Муаллифлар COVID-19 нинг оғир шакллари билан касалланган беморларни даволаш тактикасини такомиллаштириш учун хавфли омиллари аниқланган шахсларни эрта аниқлаш ва динамикада мониторинг кузатиш зарурлиги кўрсатилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, мавжуд илмий ишларга қарамай, бугунги кунда Ўзбекистонда COVID-19 билан касалланган беморларнинг метаболом профилини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ўтказилмаган. Бундан ташқари, даволаш самарадорлигини башорат қилиш моделларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Илғор технологиялар маркази илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-ИРВ-2021-125 “Ўзбекистонда тарқалган SARS-CoV-2 коронавируси штамmlарининг генетикаси ва тарқалиш харитасини ўрганиш ҳамда COVID-19 вакцинаси яратиш учун асос шакллантириш” (2020-2021), А-SS-202202114 "COVID-19 ташхиси қўйилган беморлар маълумотларини сунъий интеллект ёрдамида ўрганиш ва таҳлил қилиш орқали касалликнинг ривожланиши, соғайиш ва ўлим ҳолатларини тушунтирувчи тенденцияларни аниқлаш" (2022-2023), мақсадли лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** COVID-19 билан касалланган беморларнинг метаболом профилини аниқлаш орқали инфекциянинг оғирлиги, метаболик бузилишлар ва касаллик оқибатлари билан боғлиқ биомаркерларни аниқлашдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Коронавирус инфекциясига чалинган ва лаборатор жиҳатдан тасдиқланган беморларнинг ДНК ва қон плазмаси биобанкини шакллантириш.

Текширувдан ўтказилган беморлар ва назорат гуруҳига мансуб шахслар тўғрисидаги антропометрик, клиник, биокимёвий ва молекуляр маълумотларни қамраб олган, уларни интеграция қилувчи структуралашган электрон маълумотлар базасини яратиш.

COVID-19 касаллигининг турли оғирлик даражасидаги беморлари қон плазмасининг метаболом профилини ядро-магнит резонанси (ЯМР) спектроскопияси ёрдамида таҳлил қилиш.

Метаболомни статистик таҳлил асосида COVID-19 касаллигининг кечишини башорат қилишда энг информатив бўлган прогностик биомаркерларни аниқлаш.

Клиник ва лаборатор маълумотлар асосида касалликнинг оғир кечиш хавфини ҳамда даволаш самарадорлигини баҳолайдиган, шунингдек уни бошқа юқумли патологияларда қўллаш имконини берувчи прогностик моделни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида COVID-19 билан касалланган беморлар ҳамда назорат гуруҳи сифатида фойдаланилган соғлом инсонларнинг қон ва плазма намуналари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни беморларнинг РНК намуналари, COVID-19 инфекцияси кечиш ва уни оғирлиги билан ассоциация бўлган липопротеинлар ва метаболитлар, шунингдек, клиник-биокимёвий кўрсаткичларини аниқлаш ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажаришда замонавий биокимёвий, молекуляр-генетик усуллар, РНК ажратиш, спектрофотометрия, реал вақт режимидаги мультиплекс ПЗР, ЯМР усуллари ҳамда статистик ва биоинформатик таҳлил тизимларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистонда COVID -19 билан касалланган беморлар плазмасининг метаболом профили комплекс таҳлили асосида 80 та метаболит ва 65 та липопротеин фракцияси аниқланган;

тадқиқотга киритилган беморлар ҳақидаги маълумотларни тизимлаштириш ва сақлашни таъминловчи ноёб тузилмалар, кенгайтирилган, юқори даражада батафсил маълумотлар базаси яратилган;

асосий биомаркерларни аниқлаш мақсадида PLS-DA асосида беморларнинг метаболомик ўзгаришларни фарқлаш имконини берувчи модел ишлаб чиқилган;

COVID-19 нинг турли оғирлик даражаларидаги беморларнинг метаболом профилиларида фарқлари аниқланган ва даволашда янги шахсийлаштирилган ёндашув учун имкониятлар яратилган;

илк бор клиник маълумотлар асосида COVID-19 ни даволаш самарадорлигини баҳолашга қаратилган, беморларнинг клиник кўрсаткичлари ва хавф омилларини ҳисобга олувчи прогностик модель ишлаб чиқилиб, клиник жиҳатдан тасдиқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда биринчи марта ядро магнит резонанси (ЯМР) ёрдамида COVID-19 билан оғриган беморларнинг қон ва плазмасининг кенг қамровли метаболом профили аниқланган;

метаболом таҳлили ёрдамида аниқланган биомаркерлар COVID-19 нинг оғир шакллари эрта аниқлаш ва табақалаштириш ҳамда янги диагностик тестларни ишлаб чиқишда қўлланилиши асосланган;

шаклланган биологик намуналар банки COVID-19 патогенезини ўрганишда, шунингдек, коронавирус ва бошқа юқумли касалликлар учун янги диагностик ва терапевтик стратегияларни ишлаб чиқишни тезлаштириши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** барча тажрибалар энг камида уч такрорий нисбатда олиб борилиб, қийматларнинг ўртачаси ва стандарт хатолик (СЕ) Microsoft Excel (Microsoft корпорацияси, АҚШ) дастурида ҳисобланганлиги, олинган натижаларни таққослаш  $\chi^2$  мезони ёрдамида  $p < 0,05$  да назорат қийматидан ишончли фарқ қилиши таҳлил қилинганлиги, кўп ўлчовли маълумотлар таҳлили маълумотлардаги яширин тузилмалар ва қонуниятларни аниқлаш учун қўлланилган асосий компонентлар таҳлили (PCA); омилларнинг ўзаро таъсирини ўрганиш ва уларнинг ҳиссасининг аҳамиятини баҳолаш учун қўлланилган ASCA (ANOVA-Simultaneous Component Analysis) назорат қилинадиган усули; беморларни даволаш самарадорлиги гуруҳлари бўйича таснифлаш учун ишлатилган PLS-DA (Partial Least Squares Discriminant Analysis) қисман энг кичик квадратлар дискриминант таҳлили усули ҳамда тадқиқот натижалари нуфузли халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интеграциялашган маълумотлар базасини яратиш, клиник маълумотларни тизимлаштириш, чуқур тадқиқотлар ўтказилиши, даволашдан олдин олинган клиник маълумотларга асосланган COVID-19 даволаш самарадорлигини баҳолаш модели, касаллик оқибатларини башорат қилиши ва оптимал даволаш тактикасини танлаши, касаллик кечишида янги қонуниятларни аниқлашни осонлаштириши ҳамда коронавирус ва бошқа юқумли касалликларида янги диагностик ва терапевтик стратегияларни ишлаб чиқишни тезлаштириши билан Ўзбекистонда шахсийлаштирилган тиббиёт ёндашувларини ривожлантиришда хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти метаболом ва липид профилини аниқлаш, шунингдек, касаллик кечишининг оғирлигини кўрсатувчи потенциал биомаркерларни аниқлаш, шаклланган биологик намуналар банки илмий ҳамжамият учун қимматли манба бўлиб, COVID-19 патогенезини даволашдан олдин олинган клиник маълумотлар асосида COVID-19 ни даволаш самарадорлигини башорат қилишида ишлаб чиқилган модели даволаш тактикасини ўз вақтида тўғрилаш учун клиник амалиётига хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги.** «COVID-19» билан касалланган беморларда метаболом профилини ўрганиш ва амалиётда жорий этишда олинган илмий натижалар асосида:

COVID-19 билан касалланган беморлар ҳақида маълумотларни тизимлаштириш ва сақлашни таъминловчи ноёб тузилмали маълумотлар баъзаси RIAGIATM терапия ва реабилитация лабораториясига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 25 апрелдаги 16-сон маълумотномаси). Натижада, касалликнинг оғирлик ҳафини ва даволаш самарадорлигини баҳолаш, башорат қилиш, PLS-DA асосида таснифий моделини ишлаб чиқиш имконини берган;

SARS-CoV-2 коронавирусини аниқлашда “Biotest SARS-CoV-2 detection kit” тест-системаси “Genmedical” МЧЖ хусусий корхонасида қўлланилган ва метаболом биомаркерлар жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2025 йил 25 апрелдаги 16-сон маълумотномаси). Натижада, кўп параметрли иммунофермент ва биокимё таҳлиллар ўрнига танланган биомаркерлар текширилган ва даволаш самарадорлиги ошиши имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 11 та илмий иш чоп этилган, шулардан 4 таси илмий мақола бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда, жумладан, 2 таси республика нашрларида, 2 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, хотима, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда шартли қисқартмалар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертациянинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети белгиланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончилиги кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётда жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Диссертациянинг "SARS-CoV-2 патогенезининг тузилмавий, молекуляр ва клиник жиҳатлари ҳамда уни ташхислаш ва**

**башоратлашнинг замонавий усуллари"** деб номланган биринчи бобида коронавирус инфекцияси патогенезининг асосий жиҳатлари, жумладан, SARS-CoV-2 оқсилларининг тузилмавий хусусиятлари кўриб чиқилган, генетик ва молекуляр механизмлари ёритилган. Касалликнинг клиник кўринишлари, шу жумладан, COVID-19 нинг оғирлик даражаси бўйича замонавий таснифи батафсил баён этилган. Инфекция ва унинг оқибатлари билан боғлиқ биомаркерларни аниқлашга қаратилган метаболом тадқиқотлар натижалари тақдим этилган. SARS-CoV-2 инфекцияси ривожланишида организмда содир бўладиган биокимёвий ўзгаришлар ва уларнинг ташхис қийматига оид маълумотлар келтирилган. Бундан ташқари, бобда COVID-19 нинг оғир кечиши хавфини баҳолаш учун қўлланиладиган клиник натижаларни башоратлашнинг мавжуд усуллари ва математик моделлари таҳлил қилинган.


Диссертациянинг **"Молекуляр-генетик ва метаболик маркерларни аниқлашнинг замонавий усуллари"** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари, усуллари, дизайни ва босқичлари тақдим этилган. COVID-19 билан касалланган беморларнинг клиник маълумотларини тўплаш ва тизимлаштириш тамойиллари, шунингдек, молекуляр-генетик ва метаболом таҳлилни ўтказиш учун намуналарни тайёрлаш услуги тавсифланган. Тадқиқотнинг молекуляр-генетик қисми биологик намуналардан РНК ажратиб олиш, спектрофотометрия ёрдамида унинг концентрацияси ва тозалигини аниқлаш, шунингдек, 935 та намунада SARS-CoV-2 ни аниқлаш учун реал вақт режимидаги полимераза занжир реакциясини (RT-PCR) ўтказишни ўз ичига олган.

Ядро магнит резонанси (ЯМР) ёрдамида метаболом таҳлил учун COVID-19 ташхиси тасдиқланган 619 нафар беморнинг плазма намуналари ва назорат гуруҳининг 322 та намунаси қўлланилди. Олинган маълумотларни статистик ва биоинформатик қайта ишлаш Бенжамини-Хочберг тузатмали (FDR-p) бир омилли дисперсия таҳлили (ANOVA), логистик регрессия, ҳамда бир вақтнинг ўзида компонентлар таҳлилини (ASCA) ўз ичига олди. Гуруҳлар ўртасидаги метаболик фарқларни баҳолаш учун асосий компонентлар таҳлили (PCA) қўлланилди. Қисман энг кичик квадратлар дискриминант таҳлили (PLS-DA) ўзгарувчилар сони кузатувлар сонидан ошиб кетган ва ўзгарувчилар ўртасида юқори корреляция мавжуд бўлган кўп ўлчовли маълумотлар билан ишлаш учун ишлатилди. Барча статистик таҳлил MATLAB дастурий таъминоти ёрдамида амалга оширилди (R2015a versiyasi, MathWorks Inc., Natick, Massachusetts, AQSH). Маълумотларни қайта ишлаш ва визуаллаштириш учун MATLAB тилида махсус фойдаланувчи скриптлари ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **"Молекуляр-генетик ва метаболомик таҳлил натижалари, маркерларни аниқлаш ҳамда уларнинг диагностик ва прогностик аҳамиятини белгилаш"** деб номланган учинчи бобида тадқиқотнинг асосий натижалари келтирилган. Бу натижалар қаторига маълумотлар базасини яратиш ва тузилмалаштириш, коронавирус инфекцияси билан оғриган беморларнинг ДНК ва плазма биобанкини шакллантириш,

шунингдек, SARS-CoV-2 мавжудлигини тасдиқлаш учун реал вақт полимераза занжир реакциясини (RT-PCR) қўллаш киради. Тадқиқотнинг дастлабки босқичида COVID-19 билан касалланган беморларнинг антропометрик, клиник, биокимёвий ва генетик кўрсаткичларини ўз ичига олган электрон маълумотлар базаси тузилди. Маълумотлар базасига асосий параметрлар сифатида ёш, жинс, тана вазни индекси (ТВИ), асосий биомаркерлар даражаси (С-реактив оксил, ферритин, интерлейкинлар), шунингдек, плазманинг метаболом таҳлили натижалари киритилди. Маълумотларнинг стандартлаштирилган тузилмаси кенг қамровли статистик таҳлил ўтказиш ва клиник хусусиятлар ҳамда метаболом ўзгаришлар ўртасидаги ишончли корреляцион боғлиқликларни аниқлаш имконини берди.


Текширилаётган беморларда COVID-19 ташхисини молекуляр тасдиқлаш учун реал вақт режимидаги полимераза занжир реакцияси (RT-qPCR) усули қўлланилди. Олинган натижалар ушбу усулнинг юқори сезгирлиги ва ўзига хослигини кўрсатди, бу эса касалликнинг белгиларсиз кечиш ҳолатларини ҳам қўшган ҳолда, юқтирилган беморларни ишончли аниқлаш имконини берди. Тадқиқот давомида таҳлил қилинган 935 та намунанинг 619 тасида SARS-CoV-2 РНКси мавжудлиги тасдиқланди, бу умумий микдорнинг 66,2 фоизини ташкил этди (1-расм).



**1-расм. "Biotest SARS-COV-2 detection kit" реагентлар тўпламидан фойдаланган ҳолда SARS-CoV-2 ни RT-qPCR усули ("DT" серияли асбоблар) ёрдамида амплификациялаш натижалари**

Кейинги босқичда 619 та тасдиқланган намунанинг ЯМР таҳлили ўтказилди. Метаболом профилни ўрганиш натижалари COVID-19 билан касалланган беморларда назорат гуруҳига нисбатан метаболитларнинг бир нечта синфлари концентрациясида сезиларли ўзгаришлар борлигини кўрсатди.

Ўзбекистонда илк бор ўтказилган ЯМР таҳлили асосида COVID-19 билан оғриган беморларнинг қон плазмасида 80 та паст молекуляр метаболитлар ва 65 та липопротеин фракциялари аниқланди. Бу эса касалликнинг патофизиологик механизмлари ҳақидаги тасаввурни сезиларли даражада кенгайтириш имконини берди. Илгари эълон қилинган тадқиқотлардан фарқли ўлароқ, ушбу иш давомида олинган натижалар метаболом ўзгаришларнинг кенг қамровни ўз ичига олади. Бу халқаро илмий базага муҳим ҳисса қўшиб, ташхис қўйиш ва даволашда индивидуал ёндашувларни ривожлантириш истиқболларини очади. Хусусан, аминокислоталар, ёғ кислоталари, пурин асослари ва липидлар миқдорида сезиларли ўзгаришлар аниқланди. Шунингдек, юқори зичликдаги липопротеинлар (HDL) миқдорининг камайиши кузатилди. Логистик регрессия ва дисперсион таҳлили (ANOVA) усулларини қўллаш COVID-19 кечишининг оғирлиги билан боғлиқ энг муҳим метаболом биомаркерларни аниқлаш имконини берди. 3-гидроксибутират даражасининг ошиши касалликнинг оғир шаклларида юзага келадиган энергия танқислиги шароитида ёғ захираларининг кучайган сафарбарлигига боғлиқлиги кўрсатилди. Аниқланган аспартат ва глутамат даражасининг кўтарилиши яллиғланиш ва нейротоксик жараёнларнинг фаоллашувини акс эттиради.




**2-расм. ANOVA натижалари ва логистик регрессия асосида COVID-19 билан касалланган беморларда метаболитлар ва липопротеинлар концентрациясининг назорат гуруҳига нисбатан ўзгариши**

Таҳлил натижасида аксарият липопротеинларнинг, жумладан, HDL, LDL ва ApoB нинг умумий миқдори пасайгани аниқланди. Бу касалликнинг оғир кечиши, яллиғланиш жараёни ва қон томир асоратлари хавфининг ошиши билан боғлиқ. COVID-19 да алдоза, глюкоза, аланин, бетаин-триетиламмоний ва сорбитол каби метаболитлар даражаси сезиларли даражада ошади. Бу эса уларни касалликнинг оғир кечишининг потенциал белгиларига айлантиради (2-расмга қаранг).


Метаболом профилнинг асосий компонентлар таҳлили (PCA) ўрганилаётган гуруҳларнинг аниқ ажралиб туришини кўрсатди. COVID-19 билан касалланган беморларда инфекция билан боғлиқ метаболом ва липид мувозанатининг бузилиши туфайли қийматларнинг кенгроқ тарқалиши кузатилди. Гуруҳларнинг фарқланишига энг катта ҳисса қўшган асосий метаболитлар орасида яллиғланиш жараёни, энергия алмашинуви ва оқсиллар

биосинтезини тартибга солишда иштирок этадиган аминокислоталар - лейцин, изолейцин, фенилаланин ва глутамат ажратиб олинди. Бундан ташқари, иммун тизим механизмлари ва оксидланиш-қайтарилиш жараёнларининг фаоллашиши билан боғлиқ бўлган спермин ва агматин каби биоген аминлар ҳам аниқланди (3-расм).



**3-расм. COVID-19 билан касалланган беморларда метаболитларнинг PCA таҳлили натижалари назорат гуруҳи билан солиштирилганда**

PCA таҳлили шуни кўрсатадики, биринчи асосий компонент (PC1) 54% ва иккинчи компонент (PC2) 18% умумий маълумотлар ўзгарувчанлигини изоҳлайди, бу эса гуруҳлар ўртасидаги фарқларнинг 72% ини қамраб олади. Назорат гуруҳи (HC) ва COVID-19 билан касалланган беморларни асосий компонентлар фазосида аниқ ажратиш инфекция билан боғлиқ сезиларли метаболит ва липид бузилишларининг мавжудлигини кўрсатади.




**4-расм. COVID-19 билан касалланган беморларда қон плазмаси липид профилининг PCA таҳлили натижалари назорат гуруҳи билан таққосланганда.**

PCA таҳлили COVID-19 билан касалланган беморларда липид профилининг сезиларли фарқни аниқлади. Бу ерда асосий ўзгаришлар триглицеридлар (TG), аполипопротеинлар (ApoB, ApoA1) ва холестерин (CE, FC), шунингдек, VLDL, LDL ва HDL липопротеинлар даражасининг пасайиши

билан боғлиқ бўлиб, бу яллиғланиш жараёнлари туфайли липид метаболизмининг бузилишини кўрсатади ва кардиометаболик асоратлар хавфининг ошиши билан боғлиқ (4-расм).

COVID-19 билан касалланган беморларни таснифлаш моделини тузиш учун қисман энг кичик квадратлар-дискриминант таҳлили (PLS-DA) усулидан фойдаланилди. Тузилган графиклар қон плазмаси профилидаги метаболом ва липид маълумотларига асосланган таснифлаш моделлари натижаларини кўрсатади ҳамда COVID-19 билан касалланган беморлар ва назорат гуруҳи ўртасидаги юқори даражадаги фарқни намоиш этади.

Метаболом маълумотларга асосланган модель кўрсатилган бўлиб, у юқори таснифлаш аниқлигини намоиш этди (синов тўплами учун AUC = 0,988 ва ўргатиш тўплами учун 0,992) (4 расм), атиги 2,8% хатолик билан бу моделнинг ишончлилигини тасдиқлайди. Таҳлил натижасида COVID-19 нинг потенциал биомаркерлари сифатида 11 та асосий метаболит аниқланди, улар орасида ёғ кислоталари, фенилаланин, цитрат ва изобутират мавжуд




**5-расм. Асосий метаболитлар ва липопротеинларни аниқлаш учун PLS-DA асосида таснифлаш моделларини ишлаб чиқиш**

Ўнг томондаги иккинчи графикда (5-расм) липопротеин профили таҳлиliga асосланган модель кўрсатилган бўлиб, у ҳам юқори аниқлик (AUC= 0,975) ва паст хатолик фоизини намоиш этди (тест танланмаси учун 3,9%, ўргатувчи танланма учун 3,8%). Таҳлил натижасида COVID-19 билан касалланган беморлар гуруҳи ва назорат гуруҳини фарқлашга энг катта таъсир кўрсатган 23 та липопротеин маркери аниқланди. Шунингдек, плазманинг умумий липид таркиби, триглицеридлар (TG), ApoB ва ApoA1 аполипопротеинлари, умумий холестерин (TC), эркин холестерин (FC), холестериннинг мураккаб эфирлари (CE), шунингдек, жуда паст зичликдаги (VLDL), паст зичликдаги (LDL) ва юқори зичликдаги (HDL) липопротеин фракциялари касаллик маркерлари сифатида юқори ҳисса кўрсатди. LDL нинг йирик, ўрта ва кичик заррачалари (катта LDL, ўрта LDL, кичик LDL), HDL (катта HDL, ўрта HDL, кичик HDL) ва VLDL (катта VLDL, ўрта VLDL, кичик VLDL) субфракциялари алоҳида аҳамиятга эга. Бундан ташқари, плазманинг атерогенлик индекси ва липопротеинларнинг умумий тақсимланиш индекси

каби интеграл кўрсаткичлар ҳисоблаб чиқилди. Олинган натижалар COVID-19 га хос бўлган липид алмашинувининг сезиларли даражада бузилишини акс эттиради ва клиник амалиётда касалликни ташхислаш, унинг кечишини кузатиш ва даволаш самарадорлигини баҳолаш учун қўлланилиши мумкин.

Диссертациянинг "Клиник маълумотлар таҳлили асосида даволаш самарадорлигини прогнозлаш моделини ишлаб чиқиш" деб номланган тўртинчи бобида Зангиота 1,2 шифохонасида COVID-19 билан оғриган беморлардан тўпланган клиник маълумотлар асосида даволаш самарадорлигини прогнозлаш модели ишлаб чиқилганлиги баён этилган. Тадқиқот давомида ўтказилган терапия самарадорлиги бўйича гуруҳларга ажратилган COVID-19 беморларда клиник кўрсаткичлар атрофлича баҳоланди. Тадқиқотга 450 нафар бемор жалб қилиниб, улар даволаш самарадорлиги даражасига кўра тўрт гуруҳга бўлинди: самарасиз, ўртача самарали, самарали ва жуда самарали. Антропометрик маълумотлар, қон ва сийдик кўрсаткичлари, нафас олиш тезлиги, қондаги кислород даражаси, юрак уриши ва бошқа физиологик кўрсаткичларни ўз ичига олган 50 та клиник параметр таҳлил қилинди. Бир омилли дисперсия таҳлили (ANOVA) беморлар гуруҳлари ўртасида 16 та клиник кўрсаткич бўйича статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар мавжудлигини аниқлади.




**6- расм. ANOVA - Даволаш самарадорлиги турлича бўлган гуруҳларда клиник кўрсаткичлар таҳлили**

Кўп сонли таққослашларга ёлғон кашфиётни назорат қилиш усули билан тузатиш киритилгандан сўнг (FDR <5%) 9 та параметр учун статистик аҳамиятлилик сақланиб қолди. Бу уларнинг потенциал биомаркерлар сифатида юқори ишончлилигини кўрсатди. Асосий кўрсаткичлар орасида қуйидагилар аниқланди: моноцитларнинг абсолют микдори, қисман тромбопластин вақти, тромбоцитлар, нафас олиш тезлиги, лейкоцитларнинг аспаратаминотрансфераза даражаси, IgG даражаси ва кислород ёрдамида қондаги кислород даражаси. (6-расм)

Кейинчалик, даволаш самарадорлигини башорат қилиш учун клиник параметрларнинг ахборотлилигини баҳолаш қисман энг кичик квадратлар-

дискриминант таҳлил (PLS-DA) усули билан амалга оширилди. Бунда тузилган модель юқори таснифлаш қобилиятини ( $AUC = 0,79$ ) намоиш этди, бу эса танланган параметрларнинг башорат қилиш қийматини тасдиқлади.



## 7- расм. PLS-DA усули билан даволаш самарадорлигини башорат қилишда клиник кўрсаткичларнинг информативлигини баҳолаш

Энг муҳим предикторлар орасида қуйидагилар аниқланди: нафас олиш тезлиги, кислород ёрдамсиз ва ёрдами билан қондаги кислород даражаси, тромбоцитлар, нейтрофилларнинг абсолют сони, аспартатаминотрансфераза ва IgG. (7-расм)

Шунингдек, беморларнинг касалхонада ётиш муддати бўйича стратификация ўтказилиб, натижада учта гуруҳ ажратиб олинди: касалхонада  $\leq 10$  кун, 11 кундан 14 кунгача ва  $> 14$  кун ётган беморлар. Ўтказилган статистик таҳлил касалхонада бўлиш муддати ошиши билан олтига клиник кўрсаткич қийматларининг пасайиш тенденциясини кўрсатди. Даволаш самарадорлиги мезони бўйича шаклланган гуруҳлар ўртасида барча ўрганилган кўрсаткичлар статистик жиҳатдан сезиларли фарқларга эга бўлди ( $r < 0,05$ ). Хусусан, тромбоцитлар, лейкоцитлар, моноцитлар ва тромбоцит касалхонага ётқизиш давомийлигининг асосий башоратчилари сифатида аниқланди, бу уларнинг COVID-19 да потенциал ташхис ва прогноз аҳамиятини тасдиқлайди. Беморларнинг ёши ҳам гуруҳлар ўртасида статистик жиҳатдан сезиларли фарқларни кўрсатган бўлсада, унинг якуний таснифга таъсири камроқ ифодаланган эди. Аниқланган биомаркерлар даволаш тактикасини янада шахсийлаштириш, даволаш самарадорлигини башорат қилиш ва COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг узок муддатли кечиши хавфини баҳолаш учун қўлланилиши мумкин.

## ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон Республикасида илк бор коронавирус инфекциясига чалинган ва лаборатор жихатдан тасдиқланган беморларнинг ДНК ва қон плазмаси намуналаридан иборат биобанк шакллантирилди, бу эса комплекс биотиббietet таҳлиллар ва келгусида молекуляр-генетик тадқиқотлар олиб бориш учун асос яратди.
2. COVID-19 билан касалланган беморлар ҳамда соғлом назорат гуруҳи аъзолари бўлган жами 1235 нафар шахс ҳақидаги маълумотларни антропометрик, клиник, биокимёвий ва молекуляр маълумотларни қамраб олган, интеграциялашган ва структуралашган электрон маълумотлар базаси яратилди ва жорий этилди.
3. Ўзбекистонда биринчи мартаба ядро-магнит резонанси (ЯМР) ёрдамида COVID-19 турли оғирлик даражасида кечаётган 919 нафар беморнинг қон плазмаси метаболом профиллаш ўтказилди, 80 та метаболит ва 65 та липопротеин фракцияси аниқланди. Касалликнинг оғир кечиши билан боғлиқ потенциал маркерлар сифатида альдоза, глюкоза, аланин, бетаин-триэтиламмоний, сорбитол даражаларининг ошиши ҳамда аминокислоталар ва липид алмашинувидаги бир қатор ўзгаришлар аниқланди.
4. Метаболом профилини кўп ўлчовли статистик таҳлил қилиш натижасида касаллик кечишини башорат қилишда аҳамиятли бўлган 11 та метаболит ва 23 та липопротеин прогностик омил сифатида аниқланди.
5. Касалликнинг оғир кечиш хавфини ва даволаш самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи прогностик модель ишлаб чиқилди. Энг аҳамиятли предикторлар (Effect Size) асосида-тромбоцитлар, моноцитлар ва қондаги кислород даражаси бўлиб, улар потенциал биомаркерлар сифатида даволаш натижасини эрта босқичда башорат қилиши мумкин. Ушбу модел бошқа юқумли патологияларга нисбатан ҳам қўллаш имкониятига эга.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА  
DSC.03/30.07.2024.В.179.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЦЕНТРЕ ПЕРЕДОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

---

**ЦЕНТР ПЕРЕДОВЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**КУРМАЕВА ДИЁРА НОДИРБЕК ҚИЗИ**

**ИЗУЧЕНИЕ МЕТАБОЛОМНОГО ПРОФИЛЯ У ПАЦИЕНТОВ С  
COVID-19**

**03.00.03 – Молекулярная биология. Молекулярная генетика. Молекулярная  
биотехнология  
03.00.01-Биохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ  
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ  
НАУКАМ**

**Ташкент-2025**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве Высшего образования, науки и инновации Республики Узбекистан за номером B2024.4.PhD/B1302.**

Диссертация выполнена в Центре Передовых Технологий при Министерстве Высшего образования, науки и инноваций.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета [www.cat-dscphd.uz](http://www.cat-dscphd.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

|                               |   |
|-------------------------------|---|
| <b>Научный руководитель:</b>  | <b>Абдурахимов Абдоржон Акрамович</b><br>Доктор философии (PhD) по биологическим наукам,<br>старший научный сотрудник |
|                               | <b>Хакимов Бекзод Бахромович</b><br>Доктор философии (PhD), доцент  |
| <b>Официальные оппоненты:</b> | <b>Мухамедов Рустам Султанович</b><br>Доктор биологических наук, профессор  |
|                               | <b>Даниела Раго</b> Доктор философии (PhD), старший<br>научный сотрудник  |
| <b>Ведущая организация:</b>   | <b>Национальный университет Узбекистана</b>   |

Защита диссертации состоится «4» сентября 2025 г. в 16:00 часов на заседании разового Научного совета созданного на основе Научного совета DSc.03/07.2024.B.179.01 по присуждению ученых степеней при Центре Передовых Технологий при Министерстве Высшего образования, науки и инноваций. Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский р-н, ул. Университетская, дом 3А Тел.: (+99871) 227 43 21

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Центра Передовых Технологий при Министерстве Высшего образования, науки и инноваций (зарегистрировано под № 1/8 ). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский р-н, ул. Университетская, дом 3А. Тел.: (+99871) 227 43 21 ([catscience@exat.uz](mailto:catscience@exat.uz)).

Автореферат диссертации разослан: « \_\_\_\_\_ » 2025 г.

(реестр протокола рассылки № «1/8» от 18 августа 2025 г).

**Турдикулова Шахло Уткуровна**  
Председатель Научного совета по присуждению  
ученых степеней, д.б.н., профессор

**Сохибназарова Хонсулув Абдувохидовна**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, PhD, старший научный сотрудник

**Абдуллаев Алишер Абдумавлянович**  
Председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней, д.б.н

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

### **Актуальность и востребованность темы диссертации.**

В мире особое внимание уделяется изучению патогенеза, клинических проявлений и последствий инфекции COVID-19, выявлению факторов, влияющих на тяжесть течения заболевания, а также профилактике и лечению иммунного ответа, воспалительных процессов, метаболических нарушений, поражений различных органов и систем. Следует отметить, что одним из перспективных направлений исследований COVID-19 является метаболомный анализ, позволяющий выявить биохимические изменения в организме, связанные с инфекцией, выявления специфических метаболомных биомаркеров COVID-19, разработки методов ранней диагностики. На сегодняшний день не выявлены универсальные биомаркеры, позволяющие точно предсказать тяжесть течения заболевания COVID-19 и эффективность проводимого лечения. Поэтому важно определять эффективность лечения на основе анализа клинических данных и проводить комплексный метаболомный анализ.

Во всем мире ведутся научные исследования по изучению патогенеза, механизмов её распространения, клинического течения и факторов, влияющих на тяжесть заболевания инфекции COVID-19, а также разработке новых диагностических тестов. В этой связи большое значение приобретает использование ядерного магнитного резонанса (ЯМР) для анализа метаболомных профилей крови и плазмы пациентов, совершенствование методов идентификации маркеров и лечения, разработка моделей прогнозирования клинического течения COVID-19 на основе интеграции метаболомных и клиничко-демографических данных, позволяющих точно прогнозировать тяжесть заболевания COVID-19 и эффективность лечения.

В нашей республике особое внимание уделяется разработке и реализации комплексных мер по охране здоровья населения, своевременной корректировке тактики лечения и снижению риска осложнений, совершенствованию системы здравоохранения, а также достигнуты определенные результаты в профилактике и диагностике заболеваний, широкому внедрению современных технологий, оказанию высококвалифицированной и качественной медицинской помощи. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы Президентом Республики Узбекистан обозначены следующие задачи «Раннее предупреждение процессов, связанных с пандемиями и аналогичными катастрофами, всесторонний анализ ситуации, прогнозирование будущих рисков и проблем, связанных с ними, создание системы готовности с четкими планами и мерами по их решению, предотвращение повторного распространения коронавируса и минимизация его негативного влияния на

